

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИГА ДОИР УМУМИЙ ТАЛАБЛАР

*Ситора Саматова, Гулноза Шакирова, Дурдона Шарипова*

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети СБИ- 84 гуруҳ талабалари*

**Аннотация:** ушбу мақолада корпоратив буюртмачи бўлмиш уставда давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган тижорат банкларида давлат харидларини амалга ошириш жараёнига доир умумий талаблар ва уларнинг мазмуни, ўзига хос хусиятлари очиқ берилган.

**Калит сўзлар:** харидларини режалаштириш, давлат харидлари тўғрисидаги ахборот, давлат харидларининг режа-жадваллари; давлат харидлари тўғрисидаги эълонлар; ҳужжатларнинг намунавий шакллари, давлат харидлари босқичларининг натижалари тўғрисидаги ахборот; шартномаларнинг ягона реестри; ягона етказиб берувчилар реестри; инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри.

Маълумки, уставда давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган тижорат банкларида давлат харидлари жараёни давлат харидларини режалаштириш; харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш; шартномани тузиш ва бажариш; давлат харидлари мониторинги босқичларни ўз ичига олади.

Давлат харидларини режалаштириш уставда давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган тижорат банклари томонидан амалга оширилади ва харидларни тизимлаштиришдан, давлат харидларини режалаштириш ҳамда инвестиция жараёнларидаги режалаштириш, шунингдек хўжалик фаолиятини режалаштириш ўртасида ўзаро алоқани таъминлашдан иборат бўлади.

Келгуси йил учун давлат харидларининг йиллик режа-жадваллари уставда давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган тижорат банкларитомонидан жорий йилнинг 25 декабрига қадар махсус ахборот порталида жойлаштирилади.

Келгуси чорак учун давлат харидларининг чораклик режа-жадваллари уставда давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган тижорат банклари томонидан жорий чорак охириг ойининг 25 санасига қадар махсус ахборот порталида жойлаштирилади.

Давлат харидлари тўғрисидаги ахборот жумласига қуйидагилар киради:

- давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик;
- давлат харидларининг режа-жадваллари;
- давлат харидлари тўғрисидаги эълонлар;

- хужжатларнинг намунавий шакллари;
- харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этиш учун зарур бўлган намунавий шартномалар;
- давлат харидлари босқичларининг натижалари тўғрисидаги ахборот;
- Шартномаларнинг ягона реестри;
- Ягона етказиб берувчилар реестри;
- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри;
- Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг қарорлари;
- давлат харидлари бўйича статистик ахборот.

Давлат харидлари тўғрисидаги ахборот махсус ахборот порталида эълон қилинади. Давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ, холис ва ишончли бўлиши керак. Иштирокчиларнинг товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича давлат харидларига тааллуқли бўлган таклифларини баҳолаш мезонларида нарх; етказиб бериш базиси; етказиб бериш муддатлари; тавсифномалар ва сифат кўрсаткичлари; эксплуатация қилиш (фойдаланиш) муддати; тўлов ва кафолатлар шартлари; муайян даврдаги эксплуатация қилишга, шу жумладан фойдаланиш ва таъмирлашга доир харажатлар; қонунчилик талабларига зид бўлмаган бошқа мезонлар назарда тутилади.

Уставида давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган тижорат банклари томонидан белгиланадиган давлат хариди шартларида иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш мезонлари, уларнинг нисбий қиймати, баҳолаш тартиб-таомиллари доирасида баҳолаш мезонларини қўллаш тартиби бўлиши керак.

Иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва ғолибни аниқлашда уставида давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган тижорат банклари фақат харид қилиш хужжатларида кўрсатилган баҳолаш мезонлари ва тартиб-таомилларидан фойдаланади ҳамда бу мезонлар ва тартиб-таомилларни ушбу хужжатларда баён этилган тартибда қўллайди.

Давлат харидларини амалга оширишда экологик муҳитни яхшилашга кўмаклашиш ёки атроф-муҳитга бўлган салбий таъсирни камайтириш мақсадида иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва ижрочини аниқлаш жараёнида энергия самарадорлиги, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик жиҳатдан мақбул материаллардан ҳамда иккиламчи хом ашёдан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш каби мезонлардан ва харид қилинаётган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) экологик мақбуллигини баҳолашга оид бошқа омиллардан фойдаланилиши мумкин.

Давлат харидлари қийматининг бозор нархларига мувофиқлигини баҳолаш учун уставида давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган тижорат

банклари очик ахборот манбаларидаги ахборотлардан ёки бошқа ишончли манбалардан фойдаланади.

Давлат харидлари тўғрисидаги ахборот давлат тилида эълон қилинади ва тарқатилади. Давлат харидлари тўғрисидаги ахборот давлат тили билан бир вақтда бошқа тилларда ҳам эълон қилиниши ва тарқатилиши мумкин. Бошқа тилларда эълон қилинаётган давлат харидлари тўғрисидаги ахборотнинг мазмуни давлат тилида эълон қилинган ахборотга мувофиқ бўлиши керак

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ваҳобов А, Маликов Т. Молия: умумназарий масалалар. Ўқув кўлланма. Тошкент, "Iqtisod-moliya. 2008.
2. TS Malikov, O Olimjonov. Moliya - O 'quv qo 'llanma. T.: "Iqtisod-moliya, 2012
3. Ваҳобов АВ, Маликов ТС. Молия. Дарслик/Тошкент Молия институти. Тошкент: "Шарқ. 2010;804.
4. Malikov T, Haydarov N. Budget daromadlari va xarajatlari. O 'quv qo 'llanma, Toshkent: "IQTISOD-MOLIYA. 2007.
5. Malikov T, Byudjet HN. O 'quv qo 'llanma. Toshkent: "Iqtisod-moliya. 2008;84.
6. У Уроков, Ф Сулаймонов. Значение электронного обмена информацией в деятельности хозяйствующих субъектов и вопросы его совершенствования. Экономика и инновационные технологии, 2014
7. Urokov UY. QR Chinkulov Legal basis of improvement of public procurement in Uzbekistan.". International Finance and Accounting" magazine. 2017(8).
8. У Ўроков, УШ Ўғли. Ҳадли келишув тартиб-таомили орқали давлат харидларини амалга ошириш тартиби.- Science and Education, 2023
9. U Urokov. THE IMPORTANCE OF PROCUREMENT MODELS IN THE EFFECTIVE ORGANIZATION OF PUBLIC PROCUREMENT.- IMRAS, 2023
10. Uchkun Urokov. PECULIARITIES OF IMPLEMENTATION OF PUBLIC PROCUREMENT IN UZBEKISTAN THROUGH THE AGREEMENT PROCEDURE. JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT. 2023
11. N Tashmatova, U O'roqov. XALQARO TASHKILOTLAR VA DAVLAT XARIDLARINI TARTIBGA SOLISH: OSHKORALIK VA SAMARADORLIKKA YO 'LI.- Talqin va tadqiqotlar, 2023
12. Zarnigorxon Fazliddin qizi Nuritdinova, Uchqun Yunusovich O'roqov. DAVLAT XARIDLARINI AMALGA OSHIRISHDA JANUBIY KOREYA TAJRIBASI VA YASHIL DAVLAT XARIDLARINING TUTGAN O 'RNI. - SCHOLAR, 2023
13. Уроков УЮ. Чинкулов^ Р. Узбекистонда давлат харидларининг такомиллашувининг ҳуқуқий асослари. «Халқаро молия ва ҳисоб» журнали. 2017.

14. Urokov UY, Shodmonov E, Bobobekova D. Government procurement management. T.-2022.
15. Urokov UY. Issues of improving the public procurement system in Uzbekistan. TMI, December. 2014;13.
16. Urokov UY. Issues of increasing the volume of electronic purchases in the state procurement system. TMI, May. 2021;20.
17. Urokov UY. Public procurement system: yesterday and today." . Market, money and credit" magazine. 2018(8).
18. Ўроқов У. Улугбек Шарипжон Ўғли. Ҳадли келишув тартиб-таомили орқали давлат харидларини амалга ошириш тартиби. Science and Education. 2023.
19. О‘роқов УҲ. Davlat xaridi. O‘quv qo‘llanma. T.:«Nihol print» ОК. 2022.
20. Ўроқов У. Ўзбекистонда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш масалалари. 2014
21. Ўроқов У. Давлат харидлари тизимида электрон харидлар ҳажмини ошириш масалалари.“. InЗамонавий молиянинг миллий ва халқаро долзарб масалалари”. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. ТМИ 2021.
22. Уроков УЮ, Чинкулов КР. Ўзбекистонда давлат харидларининг такомиллашувининг ҳуқуқий асослари.«. Халқаро молия ва ҳисоб» журнали. 2017.
23. Хайдаров Н. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. 2003.
24. Т Маликов, Н Хайдаров. Давлат бюджети. - Т.:“ИQTISOD-MOLIYA, 2007
25. N Khaydarov. International experience of the development of tourism in Uzbekistan. - Интеграция. Эволюция. Устойчивость: пути ..., 2021

